

YOSHLAR OVOZI

ХУДУДЛАРДА ИСЛОХОТЛАРНИ БИР ХИЛ СУРЪАТДА АМАЛГА ОШИРИШ, ОДАМЛАР УЧУН МУНОСИБТУРМУШ ШАРОИТИ ЯРАТИШ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари ва аввал берилган топшириқлар ижроси билан танишиш мақсадида 16-17 май кунлари Андижон вилоятида бўлди.

Андижон вилояти ҳокимлигида Президент раислигида фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари каби Андижон вилоятида ҳам катта ўзгаришлар юз бермоқда. Хусусан, ўтган йили янги йил ҳудудий маҳсулот 12 фоиз, жалб этилган инвестициялар ҳажми 19 фоиз ўсган. Жорий йил биринчи чоракда ҳам юқори суръат кузатилди.

Шунга қарамай, ҳали вилоятда ишга солинмаган имкониятлар кўплиги, иқтисодиёт замон талаблари асосида диверсификация қилинмагани таъкидланди. Жумладан, саноат маҳсулотининг 80 фоизи Асака тумани ва Андижон шаҳрига тўғри келади. Бундан ташқари саноат деярли ривожланмаган.

Шуни инобатга олган ҳолда, Андижон вилоятида 2019-2020 йилларда амалга ошириладиган кўп қатли 25 триллион 181 миллиард сўмга тенг 908 лойиҳадан иборат инвестиция дастури ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳалар доирасида 1,7 миллиард долларлик тўғридан-тўғри хорижий сармояни ўзлаштириш, 35 миндан зиёд иш ўрни яратиш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истаги бўлган оилаларни аниқлаб, “Хар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида 420 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратиш белгиланди.

Йиғилишда ижтимоий соҳани ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилда Андижон шаҳрида 14 та кўп қаватли арзон уй ва кўп қаватли тижорий асосдаги уйлар, кишлоқ жойларда 224 та намунали уй-жой ва 56 та кўп қаватли арзон турар жой қурилиши маълум қилинди.

Президентимиз вилоят аҳолиси ўсиб бораётгани яна кўп қаватли уйлар қуриш ва қўшма иш ўринлари очиб, ижтимоий ва коммунал хизматлар ташкил этишни талаб қилишини, демак, тегишли вазирликлар ва вилоят раҳбарлари узоқни кўзлаб иш юритиши зарурлигини таъкидлади.

Канчалик оғир бўлмасин, ислохотларни барча жойда бир хил олиб бориш қийин. Чекка жойларни қўйиб туриш, ҳатто вилоят марказларида ҳам ханузгача шўро даври манзарасини берадиган маҳаллалар, кўчалар учрайди.

Андижон шаҳрининг Мустақиллик маҳалласини ҳам ўз номига монанд деб бўлмайди. Бу ерда ачинарли аҳволда яшаётган оилалар учун Хўжаобод тумани Хидриша массивидан 54 гектар ер ажратилиб, Мустақилликнинг 27 йиллиги маҳалласи барпо этилаётгани ҳақида хабар берилган эди.

Давлатимиз раҳбари 16 май кунги янги маҳаллада бўлиб, бу ерга қўчиб келаётган оилалар учун яратилган шароит билан танишган, бунёдкорлик ишлари кўламинини кенгайтириш бўйича топшириқлар берган эди.

Шавкат Мирзиёев 17 май кунини Андижон шаҳрининг Мустақиллик маҳалласига бориб, бу ердаги ҳақиқий аҳвол билан танишди.

(Давоми 2-саҳифада).

НАВБАТДАГИ МАНЗИЛ — УЧТЕПА

Yuksalish

Бўна тажрибаси Президентимиз илгари сурган бешта ташаббус замирида ёшларнинг орзу-умидлари мужассам эканини кўрсатди. Туманда олиб борилаётган бунёдкорликлар Бўна халқини қувонтириши билан бирга, билим эгаллашга, ўқиб-ўрганишга, меҳнат қилишга, пировардида, яхши яшашга иштиёқини кучайтирмоқда. Бу мазкур тажрибани республикамизнинг барча ҳудудларида жорий этиш фўрат эзгуликка хизмат қилишини исботлади.



Бундай кенг кўламли ўзгаришларнинг навбатдаги манзили пойтахтимизнинг Учтепа туманидир.

Шу йил 10 май кунини Президентимиз Учтепа тумани раҳбарлари, маҳаллалар раислари, зиёлилар билан учрашувда туман иқтисодиёти саноат ишлаб чиқариши ва бошқа соҳалар бўйича паст даражада эканини таъкидлаб, тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўринларини кўпайтириш, ички йўллар ва коммунал тармоқларини таъмирлаш ва ёшлар масаласи бўйича кўп ишлар қилиниши кераклигини қайд этган эди.

Айни пайтда туманда беш ташаббус доирасидаги тажри-

баларни ҳаётга таъбиқ этиш ишларига даст берилади. Мутасадди ташкилот ва идоралар мутахассислари ҳудуд инфра-тузилмаси, аҳоли, айниқса, ёшларнинг кизиқиши ва эҳтиёжларини сўровномалар асосида ўрганмоқда. Шунга мувофиқ, ёшлар учун экиб, киёбон, замонавий кўтубхона ва спорт-соғломлаштириш майдончалари қуриш; маданият, санъат, спорт йўналишларида қўшимча тўғараслар очибга кириштилади.

Бу жараёнда Ёшлар иттифоқи фаол иштирок этмоқда. Иттифок масъуллари туман ёшлари билан учрашув, маданият-маърифий тадбирлар ўтказиб, уларнинг хоҳиш-истакларини ўрганмоқда. Шундай учрашувлардан

бири тумандаги 238-мактабда бўлиб ўтди. Ёшлар етакчилари ўқитувчилар ва ўқувчилар, маҳалла ёшларига беш ташаббус доирасидаги тадбирларнинг мазмун-моҳияти, жараёнда уларнинг фаол иштирок этиши лозимлиги тўғрисида айтиб ўтди.


Дарвоқе, 238-мактабда капитал таъмирлаш ишлари бошланиб кетди. 2019/2020 ўқув йилини ўқувчилар замонавий бинода кўтиб олади. Мактабга Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги компьютерлар тўпламини совға қилди.

Мухбирларимиз

ТЕСТ-2019: ЯНГИЛИКЛАР НИМАДАН ИБОРАТ?

Шу йил 14 май кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Адлия вазирлиги ва Давлат тест маркази ҳамкорлигида ўтказилган матбуот анжуманида мазкур қарор мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди. Хужжатга биноан бакалаврият таълим йўналиши қабул жараёнига қатор янгиликлар киритилмоқда.

2019/2020 ўқув йилидан:



Абитуриент учтагача бакалаврият таълим йўналишини танлаш ҳуқуқига эга (ОТМларнинг тест синови топширилаётган фанлар мажмуаси бир хил бўлиши шарт).



Хужжатлар Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида қабул қилинади.



Тест синовлари ташкил этилаётган ўқув йилидан аввалги йилларда таълим муассасаларини тугатган абитуриентлар синолда иштирок этиш учун энг кам иш ҳақининг ярим баравари миқдорига пул тўлайди (ногиронлиги бўлган ёки тўлиқ давлат таъминотидаги шахслар бундан мустасно).



Тест синовлари июль-август ойларида ўтказилади.



Абитуриент тестда неча балл йиқгани синовнинг эртаси кунини аниқ бўлади.



Талабалikka тавсия этилгани ёки этилмагани ҳақидаги маълумотлар тест синовлари жараёни тўлиқ яқунлангандан кейин бир ҳафта ичида ДТМнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

2020/2021 ўқув йилидан:

ФАНЛАР МАЖМУАСИ ИККИ БЎЛИМГА АЖРАТИЛАДИ.

- 1. МАЖБУРИЙ** (барча абитуриентлар учун): она тили (ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тили), математика ва Ўзбекистон тарихи.
- 2. СОҲАВИЙ:** абитуриент танлаган бакалаврият таълим йўналишига мос иккита фан.

Тест синови топширилаётган фанлар мажмуаси, баҳолаш мезонлари ва тест топшириқлари сонини ҳамда тест синовларини ўтказиш муддатларини Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси белгилайди.

Ozod Sharafiddinov tavalludining 90 yilligi

Озод домла ижодининг жозибаси

Абдулхамид Чўлпоннинг: “Кишан кийма, бўйин эгма, Ки сен ҳам хур туғилгонсен”, деган оташин мисраларида хурликка, тафаккурга, одамлиликка чорлов мужассам. Шоир шеъриятидаги бундай жозоба салкам бир асрдан буюн назму наср муҳибларини ўзига мафтун этиб келади.

Аслида Чўлпон ижодини ҳолис, тўғри ва асл адабий-эстетик моҳиятига мос ўрганган жараёни истиклол йилларида бошланди. Чўлпон ижодининг юзага чиқишида жонбозлик қўрсатган олимлар рўйхатининг аввалида Озод Шарифидинов номи туради. Домла мустабид шўро замонида ҳам Чўлпон ижодига мурожаатдан, шоир руҳидан ажралган эмас. Айрим мақолалари, “Тирик сатрлар” китоби гапимизга далил. Унинг “Чўлпон”, “Чўлпонни англаш” китоблари, “Адабиёт япаса — миллат яшар...” талқиноти Чўлпон ижодини янгилашга маъсули ўларок дунёга келди.

Озод Шарифидинов Чўлпоннинг лирик меросини, “фавқулодда истеълодга эга бўлган шоир” руҳиятини, шеърятининг индивидуал, поэтик, публицистик ва ижтимоий-эстетик моҳиятини жуда теран тушунтирди. Жаҳон шеърятини наму-



налари билан ёнма-ён турадиган “Гўзал”, “Би-нафша”, “Қаландар ишқи” каби шеърларининг бадий қувватига — бадий санъатларга, ритмига, кофияси, вази тизимига эътибор берди. Айни чоғда, замонга мослашган шеърлари юзасидан ҳам ҳолис фикрларини ёзди. Унинг “Чўлпонни англаш” китоби адабий-илмий ҳаётга жиддий таъсир қўрсатди. Олим ус-лубига хос теранлик, кенлик, ҳолислик, киноявийлик, образлилик каби хусусиятлар бунда ўз ифодасини топди.

(Давоми 3-саҳифада).

Фильмларимиз Францияда!

72-Канн халқаро кинофестивалида “Ўзбекистон миллий павильони” очилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Кинематографияни ривожлантириш маркази, Ўзбекистон миллий кинокомиссияси томонидан Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонаси кўмагида ташкил қилинган кўرғазмада вакилларимиз иккинчи маротаба катнашмоқда. Фестиваль доирасида ўтказилган “Marche du Film” кино тадбирида кинорежиссёр Абдувоҳид Ғаниевнинг “Элларвар”, Зулфигор Мусоқовнинг “Берлин-Окўргон”, Жаҳонгир Аҳмедовнинг “Исломуҳжа”, Рустам Саъдиевнинг “Барон”, Умид Хамдамнинг “Исёк нон”, Сарвар Каримовнинг “Сарвкомат дилбарим” фильмлари намойиш этилади.

— Канн — кино бўйича энг нуфузли халқаро фестиваль, — дейди Кинематографияни ривожлантириш маркази директори Ойбек Абдушукуров. — Мамлакатимиз кинотуризм салоҳиятини намойиш этиш, фильм олиш учун қулай, муносиб манзил сифатида тарғиб қилиш ҳамда танқиди кинокомпанияларини юртимизга ўз фильмларини суратга олиш учун таклиф қилиш имкониятини яратди.

Шахноза НУРУЛЛАЕВА

КУДУДЛАРДА ИСЛОҲОТЛАРНИ БИР ХИЛ СУРЪАТДА АМАЛГА ОШИРИШ, ОДАМЛАР УЧУН МУНОСИБТУРМУШ ШАРОИТИ ЯРАТИШ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

(Бошланиши 1-саҳифада).

5 минг 600 нафардан зиёд аҳоли яшайдиган бу маҳалла ҳеч қандай шароит йўқлиги боис, шаҳарнинг оғрик нуқталаридан бирига айланиб қолган эди. Кўчаларга машина сифмайди, қарга қараманг торлик, пасткамлик, захлик, қўланса хидга чидаб бўлмайди. Қачондир муҳаррар кўчиш қийинчилиги одамлар ҳатто девор, дарвоза, эшик-ромларни бўйшага ҳафсага қилмайди, ўт-ўлан қовжирган ховлисига қармайди.

Президентимиз эски барак шаклидаги ховлиларда яшаётган одамлар билан суҳбатлашди. Бундай шароитда кун кечирининг ўзи бўлмайди. Айниса, болалар шу шароитда яшаб келаётгани аянчлидир. Андижонда ер масаласи жуда оғир. Бу ерга келишимиздан мақсад одамлар турмуши билан танишиш, ҳамма оилалар учун яхши шароит яратиш бериш, деди Шавкат Мирзиёев.

Маҳалла вакиллари баҳола адириқдан жой ажратилиб, барча шароитлари мавжуд уй-жойлар қурилатгани, бу оилалар кўчирилаётганидан жуда мамнун эканини алоҳида таъкидлади.

Авал маълум қилингандек, Мустақиллик маҳалласи ўрнида, Бобуршох, Амир Темура ва Навоний шохқўчаларининг кешимасида "Andijon city" ишбилармонлик маркази барпо этилади.

Президентимиз бу қурилишда ҳар бир қарич ердан оқилона фойдаланиш, кўчаларнинг яхшироқ алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлади. Худди "Toshkent city"даги сингари бу ерда ҳам уйлар ва офислар савдоси билан шуғулланувчи кўрғазма ташкил этиш зарур. Одамлар келиб кўрсин, шунда кизикини ортади. Бу шаҳарча яна икки йилдан сўнг Андижоннинг кўз-кўз қиладиган жойи бўлади, деди давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимизда таънаҳус услубидаги массивлар қурилиши лойиҳалари ишлаб чиқилган. Президент тақлифи билан Андижон-вилоятда аҳоли яшаш шароитини яхшилаш энг долзарб масалалардан бўлгани боис, биринчи бўлиб шу ҳудудда бундай уйларни қуришни бошлаш режалаштирилмоқда.

"Qorako'l stroy engineering" маъсулияти чекланган жамияти ишлаб чиққан лойиҳага кўра, 7,5 гектар ерда 108 та таънаҳус услубидаги уй, 9 та 5 хонали ва яна шунча 3 хонали коттеждлар, болалар боғчаси, савдо ва машиий хизмат шохобчалари қурилади.

Энг муҳими, ушбу массив ўзининг сувни тозалаш, канализация ишпооти, сув иситиш станцияси, кичик электр станцияси, кўёш электр станцияларига эга бўлади. Яъни таънаҳус уйлари ўзини ўзи тоза ичимлик суви, электр, иссиқлик билан таъминлайди. Уларни қуришда энергиятежамкор материаллардан фойдаланилади.

Тақдимот чоғида таънаҳус уйлари аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва ресурсларини тежашда муҳим ўрин тутуши таъкидланди.

Бу уйлар — келажак уйлари. Кишлоқ уйлари каерда қурилишдан қатъи назар, энди камчиқим бўлади, ҳам одамларга шаҳардагидай шароит яратилади. Шунинг ҳисобига бу уйлар нархи ҳозиргилари билан тенг, аммо комплекс шароитга эга бўлади, деди Президент.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф хиббони ва ижод мактабиди бўлди.

Муҳаммад Юсуф халқнинг дарди, қалбидаги қувончу шодликлар, она юртга муҳаббат, садоқат ва фидойилик туйғуларини содда ва гўзал мисралар орқали тараннум этган ўзига хос ижодкор эди. Унинг асарлари минглаб қалбларга бахт ва қувонч туйғуси, самимият ва бегуборлик, маънавий гўзаллик улашаётди. Шоир ижодини ўрганиш, кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 2-3 июнь кунлари Андижон вилоятига ташрифи чоғида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф номидаги мактаб ташкил этиш, ёшларга унинг ижодини, ўзбек адабиётининг янги қирраларини чуқур ўргатиш, истеъдодли ижодкорларни тарбиялаш тақлифини илгари сурган эди.

Шу асосда 2017 йил 25 июлда Вазирлар Маҳкамасининг "Андижон шаҳрида Муҳаммад Юсуф номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ва Муҳаммад Юсуфнинг буюти ўрнатилган хиббонни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Андижон шаҳрининг Амир Темура кўчасида шоир номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернат ва шоирнинг буюти ўрнатилган хиббон барпо этилди. Бугун мазкур мактабда 150 нафар иктидорли йигит-қиз таълим олмақда.

Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси, хайкалтарош Шохруҳбек Ўрозов томонидан яратилган бюст ва икки фаввора, манзарали гул ва дарахт кўчалари ўтказилган хиббон Андижон шаҳрининг кўрқига кўрк қўшиб, ёш ижодкорлар тўпланадиган алабий-бадий масканларидан бирига айланган. Президент мактаб-интернат ўқитувчи ва ўқувчилари билан мулоқот қилди. Муҳаммад Юсуфнинг ижодий фаолияти, мактабда ўқиган кезлари фойдаланган ўқув қуроллари, суратлар жой олган музейда бўлди. Ўқувчилар шоир шеърлари ва ўз ижод намуналаридан ўқиб берди.

Муҳаммад Юсуф халқчил шоир эди. У кинса умри давомида катта маънавий мерос қолдириб кетди. Ватан ҳақида содда тил билан ёзган самимий шеърлари доимо қалбимизда сақланиб қолади. Энг катта бойлик — бу маънавий бойликдир. Шунинг учун ёшларимиз доимо ўқини, изланишни лозим. Ҳамма нарса ўткинчи. Лекин билим ҳеч қачон йўқолмайди. Билми одам ҳеч қачон хор бўлмайди. Шунинг учун сизлар ўқини, изланишдан тўхтамаслигингиз керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга мактаб-интернат ўқувчилари учун автобус ажратиш, бошқа вилоятлардаги ижод мактабларига бориб, тенгдошлари билан мулоқот қилишга кўмаклашиш, вилоят телевидениесига ўқувчилар иштирокида "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси томонидан ўтказилган тадбирда Марказий банк, Савдо саноат палатаси, Тошкент шаҳридаги туман давлат солиқ қўмиталарининг вакиллари иштирок этди.

Тадбирда кредит олиш истагида бўлган ёшларни аниқлаш, уларга кредит ажратиш, бу орқали бандликни таъминлаш

ЎЗА



Сайдмерган ШОСАИДОВ, Бўка туманидаги 9-умумтаълим мактаби ёшлар етакчиси:

— Бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари олиб бориладиган жойга файзу барақа киради. Одамларнинг ҳаётга, эртанги кунга ишончи ортади.

Кечагина туманимиздаги ёшларни бирон фойдали машғулота жалб этиш, руҳлантириш учун тарғибот ишларини қандай олиб боришни билмасдик Чунки спорт билан шуғулланиш учун спорт объектлари, кўтибхона ва бадий адабиётлар, болаларнинг бундай вақтини мазмунли ташкил этиш учун маданият масканлари, тўғрақлар йўқ эди. Иш ўринлари танқислигидан ёшлар ва аёллар асосан дала ишларига чиқарди.

Президентимизнинг бешта муҳим ташаббуси тўғрисида туманимиз қиёфаси янгилаяпти. Ўқувчи-ёшлар учун турли йўналишларда 300 га яқин тўғрақ, спорт майдонлари, истироҳат боғлари, ахборот технологияларини ўқитиш маркази очилмоқда. Кутубхоналарга минглаб нусхада китоблар етказилди. Хотин-қизлар учун қулай иш ўринлари яратилаётгани олаб оилаларга нур олиб кирди.

Бу ўзгаришлар ўз-ўзидан, осонгина бўлаётгани йўқ, албатта. Ёшларимиз бундай шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиши, қадрига етиши лозим.

ISLOHOT ODIMLARI БЎКНИ ЭНДИ ТАНИБ БЎЛМАЙДИ

Бугун Бўка туманига чиндан ҳам шундай нисбат бериш мумкин. Бўшаб ётган майдонларда қурилган муқташам боғлар, спорт майдонларини кўриб кўзунг қувнайди. Бу эзгу ишларга барча бирдек ҳисса қўшмоқда. Жумладан, Ёшлар иттифоқининг бевосита ташкилотчилиги ва молиявий кўмаги асосида қуйидаги ишлар амалга оширилди:



Р.НАЗАРМАТОВ

- ✓ "Маънавият карвони" акцияси доирасида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда тумандаги барча таълим муассасаларига жами 20 мингдан ортик бадий адабиёт етказиб берилди;
- ✓ "Бўстон" маҳалласидаги Ёшлар боғида 620 нафардан зиёд ўғил-қиз иштирокида хашар ўтказилди. Бокка катта ҳажмдаги дам олиш учун шийповлар ўрнатилди, "Street work out" майдони ҳамда Wi-Fi худуди ташкил қилинди;
- ✓ 3-умумтаълим мактабиди Ёшлар иттифоқи ҳамда Ўзбекистон математиклари ва информатика ассоциацияси ҳамкорлигида ўқувчилар ўртасида математика буйича туман фан олимпиадаси ўтказилди;
- ✓ 15-Меҳрибонлик уйда тарбияланган 4 нафар талабага контракт пулининг 35 фоизи тўлаб берилди;
- ✓ умумтаълим мактаблари учун офис ва техника жиҳозлари харид қилинди;
- ✓ тумандаги Ёшлар маркази биносига Wi-Fi ўрнатилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди.



Абдурахмон ХАЛИЛОВ, "Раҳим юз" оилавий қорхонаси раҳбари:

— Болалигимдан тадбиркорлик билан шуғулланишни оруз қилардим. Бир қанча бизнес лойиҳалар яратиб, танловларда иштирок этганман. Лекин гоёларим қанчалик кўп бўлмасин, уларни Бўкада амалга ошириш қийин эди. Чунки шароит бўлмаган. Ишбилармон маҳалладашларимиз сармоясини ўз тумани эмас, балки кўпроқ бошқа худудларга киритарди. Энди улар бугунги ўзгаришлардан руҳланиб, қарорини ўзгартиряпти.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва буш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича илгари сурилган бешта муҳим ташаббуснинг илк манзили бўлган туманимизда тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шаҳсан ўзим "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси кўмагида 200 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олдим. Оилавий қорхона очиб, 7 нафар ёшни иш билан таъминладим.

Инсон ўз юртини обод этса, халқ фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўшса, бу — унинг катта бахти.

Yoshlar press-klubida



ЁШ ТАДБИРКОРЛАРГА 94 МИЛЛИАРД СЎМ

2019 йилда Тошкент шаҳрида ёш тадбиркорларнинг 149 та лойиҳаси учун 94 миллиард сўм кредит ажратилди. Натيجида 2 минг 235 нафар ёш ишли бўлади. Бу ҳақда "Ёшлар — келажак бунёдкори" мавзусида Ёшлар пресс-клубида бўлиб ўтган очик мулоқотда маълумот берилди. "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси томонидан ўтказилган тадбирда Марказий банк, Савдо саноат палатаси, Тошкент шаҳридаги туман давлат солиқ қўмиталарининг вакиллари иштирок этди. Тадбирда кредит олиш истагида бўлган ёшларни аниқлаш, уларга кредит ажратиш, бу орқали бандликни таъминлаш

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА

TANLOV

Ғолиблар аниқланди



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотчилигида "Мустақиллик менинг таъсавурида" кўрик-танловининг туман босқичлари бўлиб ўтмоқда. Мактаб ўқувчиларининг адабиёт ва санъатта иштиёқини ошириш, истеъдодини юзага чиқариш ва юрта дахлдорлик ҳиссини ривожлантиришга қаратилган лойиҳа ёшларда катта кизикини уйғотмоқда. Танловнинг Мирзо Улуғбек, Шайхонтоҳур, Учтепа ва Олмазор туманлари босқичи яқунланди. Ҳакамлар гуруҳига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидан атоқли шоирлар, Камолдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтидан соҳа мутахассислари жалб қилинган. Ҳакамлар ҳулосасига кўра, туманда биринчи ўринни эгаллаган ўқувчилар танловнинг шаҳар босқичида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киртади.

Карим ЗАРИПОВ

Jarayon

ЎЗГАРИШ БОР

Жарқўрғон туманида "Ёшлар — келажак бунёдкори" шиори остида ёшлар сайли бўлиб ўтди.



HOKIM VA YOSHLAR UCHRASHUVI



Ёшлар иттифоқи маҳаллий кенгаши ҳамда халқ таълими бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ўқувчи-ёшларга Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббуснинг мазмун-моҳияти тушунтирилди.

Турли соҳа мутахассислари ҳар бир ташаббус ҳақида атрофлича тўхталиб, махсус саволнома асосида йигит-қизларнинг китоб мутолааси, театр санъати, рассомлик, спорт ва компьютер технологияларига кизикини аниқланди.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА

Ko'rgazma

Турфа ранглар жилоси

Тошкент Фотосуратлар уйида "Colibri" рассомчилик мактаби ўқувчиларининг I "Ҳаёт ранглари" бадий кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Кўргазма Ўзбекистон Бадий академияси, Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Экспозициядан 7 ёшдан 19 ёшгача бўлган ўқувчиларнинг 80 та ижодий иши жой олган. Турли мавзу ва жанрларда яратилган ишлар орасида табиат, қўшлар ва гуллар мавзуси, натюрморт, манзара жанрлари кубизм, модернизм йўналишларида талкин қилинган. Кўргазма 21 майга қадар давом этади.

Юлдуз НОРМАМАТОВА, ЎЗЖОКУ талабаси

Anjuman

33 МИНГ ОИЛА САҚЛАБ ҚОЛИНДИ

Пойтахтимиздаги "Miran International" меҳмонхонасида "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "ОАВда оила мавзусини ёритишнинг долзарб масалалари" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. "Оила" маркази ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Амалий ишлар натижасида ажралиш учун судга ариза берган ва ажрим ёқасига келиб қолган 30 мингдан ортик оила яраштирилди. Жойларда иш бошлаган 74 та "Бўлгуси келин-куёвлар инновацион мактаби"да 2 минг нафардан ортик бўлгуси келин-куёв мустаҳкам ва тотув оила қуриш кўникмаларига эга бўлди. Конференциянинг маданий дастури Мирзо Улуғбек туманидаги истироҳат боғида давом этиб, "Оила — энг улуг қадрият" республика танлови ғолиблари аниқланди.

Диана ХАЙРУЛЛАЕВА

ISLOHOT ODIMLARI

УЛКАН ХАЗИНАДАН БАҲРАМАНД БЎЛАМИЗ

Инновацион ривожланиш вазирлиги “Springer Nature” нашриёти билан меморандум имзолади

2030 йилгача Ўзбекистон инновацион тараққиёт бўйича жаҳондаги элликта етакчи мамлакат сафидан жой олишни мақсад қилган. Бу эса глобал инновацион индексда юқори позицияларни эгаллашимиз кераклигини англатади. Мазкур рейтингнинг баҳолаш мезонлари талайгина. Қалқаро нашрларда чоп этилаётган илмий мақолалар ҳамда улардан олинаётган иқтибослар сони шулар жумласидан.

Таъкидлаш жоиз, ҳар иккала мезон илм-фан раёнакига хизмат қилибгина қолмай, балки соҳага қўшимча инвестицияларни жалб қилиш ва демакки, иқтисодийнинг юксалтириш имконини беради. Энди амалдаги ҳолатга эътиборингизни қаратсак.

Марказий Осиё давлатлари ичида Ўзбекистон илм-фанга энг кўп маблағ ажратади. Айни вақтда бу кўрсаткич яқин ички маҳсулотнинг 0,2 фоизига тенг (топ эллик-талikka киришимиз учун камида 1 фоиз бўлиши керак). Такдослаш учун: қўшни Қозғистонда 0,13 фоиз, ҳолос. Қолган республикаларда ундан ҳам кам. Бироқ парадокс шундаки, илмий фаолият самардорлиги бўйича қозғистонликлардан анча орқадамиз. Савол туғилади: нега?

эмас. Айрим-лари ниҳоятда йирик ва нуфузли компаниялар сифатида фаолият кўрсатмоқда. Тўғри, уларнинг хизмати катта пул туради. Шунга қарамай, илм ахли учун қониқойда. Ахир, бундай маъналарда турли фан тармоқларига доир минг-минглаб тадқиқот-

Дунёда олиб борилаётган илмий изланишларнинг 80 фоизи такрорийдир

Масалага ойдинлик киритишдан аввал илмий фаолият самардорлиги ўзи қандай аниқланади, деган ҳақли саволни қўйиш ўринлидир. Жавобни Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг халқаро маслаҳатчиси Ербол Селейменовдан билиб олдик. Экспертнинг сўзларига қараганда, тадқиқот натижасини фақат иккита нарса: ё илмий мақолалар ёки патент кўринишида юзага чиқариш мумкин. Қозғистонлик олимлар айнан шу жиҳатлар бўйича пешқадам. Сабаби 2011 йилда мамлакат халқаро илмий маълумотлар базасига уланган. Ташаббус қанчалик серхаражат бўлмасин, ўзини тўлиқ оқламоқда. Масалан, охириги йилларда Қозғистонда илм-фан самардорлиги нақ 7 бараварга ошган.

Юртимизда ўсиш динамикаси 2016-2017 йиллардагина кузатилади. Чунки айнан шу даврда олимларимиз “Web of Science” халқаро кидирув тизимидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган. Интернет маконида бундай платформалар оз-

лар, ихтиро ва кашфиётлар ҳақида тўлиқ маълумот жамланган. Бу олимнинг вақтини тежайди. Мухими, илгари мурожаат қилинган мавзуларни такрорлаш ҳафтини бартараф этади.

— Дунёда олиб борилаётган илмий изланишларнинг 80 фоизини қачондир қимдир томонидан қилиб бўлинган ишлар ташкил қилади, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Сирожиiddин Мирзаев. — Аммо аксарият тадқиқотчилар бундан бехабар. Сабаби улар халқаро илмий маълумотлар базасидан фойдаланмайди. Олимлар, профессор-ўқитувчилар, талабалар учун мўлжалланган махсус интернет платформалари обуначига нафақат керакли ахборотни тез ва қўлай шаклда олиш, балки илмий мақола ёзиш, унинг мазмуни ва шаклини халқаро нашрлар талабига мослаштириш, чоп этиш учун мос журнал танлаш ҳамда малакали тақризчиларни излаб топишга ҳам ёрдам беради. Эслатиб ўтагимиз, жорий йил бошида Ўз-



янада яқинлаштириш мақсадида яқинда Инновацион ривожланиш вазирлиги “Springer Nature” нашриёти билан ҳамкорлик меморандумини имзолади. Унга кўра, мамлакатимиздаги юздан ортик илмий ва ўқув муассасаларига уч ой мобайнида мазкур платформанинг ахборот-ресурслари ҳамда хизматларидан бепул фойдаланиш имконияти яратилади. Шу муносабат билан Инновацион ривожланиш вазирлиги қошидаги Юкори технологиялар марказида халқаро форум ташкил қилинди.

Тадбирда “Springer Nature”-нинг минтақавий директори Шахин Гирий компаниянинг фаолияти хусусида тақдирот ўтказди. Бир ярим асрдан ортик тарихга эга жаҳонда таниқли ушбу бренд остида илм-фаннинг барча тармоқлари бўйича 3 мингдан ортик журнал, 250 мингдан ортик китоб, шунингдек, минглаб протоколлар, илмий анжуманлар материаллари, маълумотномалар чоп этилмоқда. Нашриёт бир қанча веб-ресурсларга ҳам эга.

“Springer Nature”да 300 нафардан зиёд муҳаррир ишлайди. Уларнинг барчаси номдор олимлар. Қолаверса, 10 минг нафардан зиёд ташқи тақризчи билан ҳамкорлик олиб боришмоқда. Бундай улкан илмий хазинадан эндиликда Ўзбекистон ҳам баҳраманд бўлаётгани беҳад қувонарли ҳодиса.

Халқаро форум давомида илмий манбалар таҳлили билан шугулланадиган “Clarivate Analytics” компаниясининг фаолиятига ҳам назар ташланди. Дарвоқе, тадбир дои-

ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ БЎЙИЧА ЕТАКЧИ МАМЛАКАТЛАР ҚАТОРИГА КИРИШИМИЗ УЧУН ДАВЛАТ ИЛМ-ФАНГА ЯИМНИНГ КАМИДА 1 ФОИЗИНИ ЙЎНАЛТИРИШИ КЕРАК

бекистон “Elsevier” компанияси (Нидерландия)нинг “Scopus” ва “ClinicalKey” илмий кидирув тизимларига уланган. Биринчисидан барча олий таълим муассасалари, иккинчисидан шифокорлар ҳамда табиёт соҳасида илмий фаолият олиб бораётган мутахассислар фойдаланиши мумкин.

расида Инновацион ривожланиш вазирлиги иккинчи меморандумини айнан шу бренд билан имзолади. Мазкур компания хизматлари юртимиз олимларининг инновацион фаолиятини ошириш ҳамда илмий фаолиятни самардорлигини ҳолисона баҳолашда кўл келади.

Наргиза УМАРОВА

Озод домла ижодининг жозибаси

(Бошланиши 1-саҳифада).

Шоир “муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон” бўлиб порлаб турган 20-йилларда унинг шеърларида тақрирлар босилди. Бунга Вадуд Махмуднинг “Булоқлар”, Зариф Баширнинг “Уйғониш”, Абдулла Қодирнинг “Тонг сирлари” тўпламларидаги тақрир-мақолаларини, Абдурахмон Саъдийнинг айрим тафсилдий ёки “Ёш ўзбек шоирлари. Чўлпон” мақоласини мисол қилиб келтириш мумкин. Бироқ Озод домла “Чўлпонни англаш” рисоласида ўша мақолаларни таҳлил қиларкан: “Бу тақрирлар ҳар қанча ҳолисона ёзилган бўлмасин, уларнинг ҳаммасидан ҳам янги чиққан шоирга нисбатан меҳр ва эътибор ҳар қанча барқ уриб турмасин, уларни биз Чўлпонни англаш йўлидаги бирон-бир жиғиди ютуқлар деб атай олмаيمиз. Улар жуда ёрлакаганда Чўлпон юксалишига олиб борувчи улкан зинанинг биринчи пиллапоярлари эди, ҳолос”, деб ёзади.

Озод Шарафиддинов ҳамма замонларда бадиий адабиётта нотўғри, гайриэстетик, гайриилмий ёндашувлар охири-оқибат ижодкорни бадном қилишни, бирқалама баҳолашга олиб келишни вужуд-вужуди билан ҳис қиларди. Чўлпоншунослик тарихида худди шундай ҳодисалар бор. XX асрнинг 30-йилларида мафуралашган мухитдаги адабий таъкид Чўлпонга тўхматлар уюштирди. Бу даврга ҳос энг “ҳавфи касаллик”лардан бири бадиий ижоднинг ижтимоий-сиёсий, синфий томонини бўрттирган вуьгар социологизм илатидир. Чунки янги тузум учун тафаккури ўткир, ўз фикрига эга қомил инсонлар ҳам, уларни тарбиялайдиган юксак савиядаги бадиий адабиёт ҳам зарур эмас эди.

Чўлпон отилгандан кейин ҳам, “улуг миллатлар отаси” улғандан сўнг ҳам шoir ижодига муносабат деярли ўзгармади. Унинг асарлари босилмади, номи истеъдодли шоирлар каторида тилга олинмади. 50-йиллардан то Чўлпон асарларининг қайта нашри бошланган 90-йилларгача бўлган бу замон ҳодисаларига Озод Шарафиддиновнинг ўзи гувоҳ бўлди. Мустабид тузум даврида ёзилган “Йиллар ва йўллар” мақоласидаги фикрлар, домла муҳаррирлиги остида босилган “Тирик сатрлар” ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ.

Озод Шарафиддинов табиатида катта олимларга ҳос бағрикенглик ва мардлик бор эди. Ҳатти ўзи тафтиш қила олиш, чигитдай камчилигини ҳам очик тан олиш, дунёқарашлар эврилишига юз тутган, алғов-далғовли бир паллада “Этикологиями нега ўзгарттирдим?”, дея ўзига савол бериш учун одам мард бўлиши керак. Ўз илмий мақола ёки китобларида ёзиб қўйилган, ўз вақтида тўғри туюлган, вақт ўтиши билан ўзгарган фикрлар ҳақиқатини тан олиш ҳам чинакам жўмард олимга ҳос фазилат. Озод ака ижодида назар ташланганда бундай ибратга муносиб ўринлар учрайди.

Илмий-адабий асарларда жозиба, ўқувчини ўзига оҳанрабодек тортиб турадиган куч-қувват бўлади. Озод Шарафиддинов ёзганларини ўқиб, шундай жозиба ҳаёлимга келади. Бунинг ифода услуби билан боғлиқ ўзига ҳос сабаблари бор, албатта. Озод Шарафиддинов юксак бир содда услубга эришган, ўқувчи тушунадиган тилда ёзган, ҳамма англаб турган матни ўринли-ўринсиз атамалар билан “безаш”ни ҳус кўрмайдиган олимлар тоифасидан эди. Агар олимнинг чўлпоншунос сифатида ёзган

асарларига услубий нуқтан назардан қаралса, жўшқин эҳтирос, ўқувчи билан мулоқот ёки унга мурожаат, кириш сўз ва таъкидларни кўриш мумкин. Масалан, матн ичидаги “Хой бироларлар! Нима қилмасизлар?”, “Сиз, биролар, кўп ҳовлика-верманг...”, “Ие, шошманг, ахир...”, “Энди ўзингиз тасаввур қилинг...”, “Кўряпсизми...”, “Бир лаҳза ўйлаб кўрайлик...” каби иборалардан ўқувчи туйқус сергақ тортади.

Мақолаларидаги “хоронги кечаларнинг тонги отмади”, “тўрга илнинган балиқдай”, “кўёш чарақлаб турган осмонда тўсатдан момақалдирок гўмбурлагандек бўлди” каби ўхшатишлар, “бир балоси бўлма-са, шуғорда қўйруқ на қилур?”, “беҳуда уриниш белни синдирад”, “бирор билан дўст бўлсанг, ёнингда ойболтган бўлсин”, “етки ухлаб тушига қирмаган” каби халқона нақиллар, фразеологик бирликлар уни ўқитиши қилади, мазмун-моҳиятини беаъйди. Озод Шарафиддинов адабиёт ва инсон тўғрисида ёзар экан “Ҳақиқат йўлида айналган оташин Сўз мангу яшайди”, “Ҳақиқий истеъдод эгаси ҳеч қачон жўнгина формулага тушадиган юзаки одам бўлмайди”, “Бунақа мунаққиллар ёхуд “олимлар” ногорачининг бачасига ўхшайди — ҳали ногоронинг так-туми эшитилмасдан, ногорачи чўпини қўлига олиши биланок муком қилиб, йўғрағайи бошлайди” каби қатор қўйма, ҳикматли фикрларни ёзади.

Озод Шарафиддинов бошлаган бундай шарафли ва машаққатли ишларни ёшлар давом эттиради, албатта.

Баҳодир КАРИМ,
филология фанлари доктори,
профессор

Huquqiy targ'ibot

Синовдан — юксалишга

Сирларё фермерлар кенгашида Ички ишлар бошқармаси пробация бўлими ҳамкорлигида “Синовдан юксалишга қатъий қадам” мавзуда очик мулоқот ўтказилди. Тадбирда Иттифок вакиллари, ички ишлар бошқармаси пробация бўлими, Бандлик бош бошқармаси, Савдо-саноат палатаси вакиллари ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган 132 нафар ёш иштирок этди.

Беҳуда ёнган чироқ

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185-моддаси газ, иссиқлик ва электр энергияси, водопровод сувидан оқилона фойдаланишга қачирлади.

Ер шарининг сув, табиий газ каби ресурслари ҳисобига олинаётган қайта тикланмайдиган энергия турлари бўлган бу қимматли захиралардан тўғри фойдаланиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Ичимлик суви ёки суғорма сувларидан фойдаланиш ҳам қонуна тартибга солинган. Аммо бу қонуни, аввало, инсонларнинг қалбида мавжуд бўлиши лозим. Ҳали беҳуда ёниб турган чироқ, водопроводдан оқаётган сув, қўйиниқ, исроф бўлаётган ҳар бир табиат нийоми биз учун қадридон. Бу нарсани барчаимиз чуқур тушунишимиз керак.

Анвар ТҮҲЧНЕВ

Шерзод САЛОМОВ,
НИВ академияси 3-ўқув курси курсанти

Nuqtayi nazar

Адабиёт кечаларини тиклайлик

Сўнги пайтда ёшлар иштирокидаги ноҳуш воқеалар тез-тез содир бўлаётгандек, гўё. Ҳали ўғирлик, личкобозлик, ҳали сушиш... Фикримча, бундай манзара тарбиямизда бўлишлар пайдо бўлганидан далолат беради.

Қўпича жиноятчилик сабабларини тўқлиққа шўхлик, ўтиш даврининг қийинчиликларига йўямиз. Вақти-соати билан изга тушиб кетар, деб ўйлаймиз. Аммо ундай бўлмайди. Чунки юқоридagi ваз-қорсонлар ўзинини алдан, юпатиб қўйишдан бошқа нарса эмас. Аслида гап маънавиятда!

Назаримда, ёшларнинг руҳиятини соғломлаштириш, қалбини поклаш, фикрини равшанлаштириш бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб масала. Чўлпон таъбири билан айтганда, “ярадор қўнғилга рух бермак учун адабиёт керак”.

Адабиётни санъат даражасида эътироф этагимиз. Лекин ундан қанчалик озиқлана оламиз? Саволга жавоб бериш мушкул. Сабаби китобга унча ҳушимиз йўқ. Ўзбек адабиётида ўчмас из қолдирган ёзувчи ва шоирларнинг, фақат таваллуд қилариди ёлга олишга қўнқиб қолдик ҳисоб.

Зотан, ёшларни маънавий қамолотга етаклайдиган асосий куч — адабиётдир. У қалбларга етиб бориши, оммалаштириш учун адабиёт кечаларини тиклаш зарур.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан ҳар йили ўтказиладиган “Ёш китобдон” республика кўрик-танлови бешимли йилга-йилларини юзага чиқаришга хизмат қилмоқда. Бироқ бу лойиҳанинг қамрови ҳали жуда кенг эмас. Шу боис таълим муассасалари, туманлардаги маданият марказларида адабиёт тўғрисидаги очик, адабиёт кечаларини кўпроқ уюштириш мақсадида мувофиқдир. Уларда таниқли ёзувчи ва шоирлар, ёш ижодкорлар, ўқувчи ва талабалар иштирок этса, бир-бири билан фикр алмаша, нур устига нур бўлади. Пировадиди ёшларда адабиётга ҳавас, шийтеқ уйғонади.


Адабий кечалар халқнинг маънавий-маърифий ўсишига хизмат қилиши тарихда кўп бора исботланган. Масалан, Амир Темури бобомиз ва бошқа темурийзода ҳукмдорлар ҳам адабий-муносиқ кечалар ўтказиш бўйича ташаббус кўрсатгани тарихдан маълум. Бундай мажлислар салтанатда ўзига ҳос адабий муҳитнинг шаклланиши ҳамда қобилиятли, маърифатпарвар шахсларнинг қўнғилишига хизмат қилган. Менимча, тарих силсидасидан ўтган қадим аънона — адабиёт кечаларини ҳаётга қайтариш вақти келди. Сиз нима дейсиз, тенгдошлар?

Қумушбоби МАЪМУРОВА



O'ZBEK ZAMINIDAGI INJU

18-MAY — XALQARO MUZEYLAR KUNI



**Nukusda yashayman.
Shahrimizning markaziy
ko'chalarida onda-sonda xorijiy
sayyohlarga ko'zim tushadi.**

Bir safar velosiped mingan kishi oldimda to'xtab, ingliz tilida I.V.Savitskiy nomidagi Qoraqalpoq davlat san'at muzeyi qayerda joylashganini so'radi. Unga darhol manzili tushuntirdim. Mehmon minnatdorlik bildirib, lutf bilan xayrlashdi. Bir musofir muzeyimizni tomosha qilish uchun uzoq o'lkadan velosipedda shuncha yo'l bosib kelgani, xorijiy davlatlar fuqarolari yurtimizga qiziqish bildirayotgani qalbimda faxr uyg'otdi.

Nukus shahrining qoq markazida joylashgan Qoraqalpoq davlat san'at muzeyi inson qo'li bilan yaratilgan bamosoli bir xazina. Uning paydo bo'lishi moskvalik rassom, san'atshunos va etnograf Igor Vitalevich Savitskiy nomi bilan bog'liq. Muassasa 1966-yilda qurilgan. Bugungi kunda muzey bisotida 100 mingdan ortiq eksponat saqlanmoqda. Shundan faqat 7 foizi namoyishga qo'yilgan. Ushbu osori atiqalarni dunyoning turli burchak-

laridan keluvchi sayyohlar katta qiziqish va hayrat bilan tomosha qiladi.

— Ekspozitsiyada qoraqalpoq xalqining qadimgi davrdan to hozirgi kungacha bo'lgan boy tarixi, milliy madaniyati hamda qadriyatlarini aks etgan, — deydi italiyalik mehmon Dobbi Redna. — Qo'l mehnati asosida yaratilgan zargarlik buyumlari, to'qimachilik mahsulotlari, rango-rang gilamlar meni maftun etdi. Bu noyob san'at asarlarini ko'rish uchun Yer sharining narigi chekkasidan kelsang ham arziydi.

Sayyor ko'rgazmalar orqali Yevropa davlatlarida ham tanilgan Qoraqalpoq davlat san'at muzeyi xorijiy mutaxassislar tomonidan "Jahonning eng ajoyib muzeylaridan biri", "Markaziy Osiyodagi san'at muzeylarining eng yaxshisi", deya e'tirof etilmoqda. Bundan tashqari, u rus avangardi kolleksiyasi bo'yicha Sankt-Peterburg muzeyidan keyin ikkinchi o'rinda turadi.

2017-yilda muzeyning ikkinchi binosi foydalanishga topshirildi. Natijada san'at ixlosmandlari ulkan xazina bilan yanada




to'liq tanishish imkoniyatiga ega bo'ldi. Men I.V.Savitskiy nomidagi Qoraqalpoq davlat san'at muzeyini o'zbek zaminidagi injuga o'xshataman. Bu muassasa nafaqat yurtimiz, balki jahon madaniy merosiga ham daxldir. Uni asrab-avaylashga burchimiz. Zotan, muzeylar — tariximiz ko'zgusi.

Klara XUDAYBERGENOVA

"HALIMA XUDOYBERDIYEVA SHE'RIYATI" boshqotirmasi

Soat mili yo'nalishi bo'yicha: 1. Nasim, shabboda haqidagi she'r. 3. Tuya va boshqa yuk tashuvchi hayvonlar qatori haqidagi "... yo'lga chiqquncha" she'ri. 5. Nihoyat, g'oyat, juda so'zlarining ma'nodoshi. 6. "... turar qoyada mag'rur Qorli tog'lar uning maskani. Tog'da uning hayoti masrur, Bog'da asrang... ni, qani?! Darhol bog'ni tark etadi u, Chunki tog'da tug'ilgan ...". "..." she'ridan. 9. "Kuylangiz hey, men qo'shiqqa ... bo'lgim kelmoqdadir, Ufqning qizg'ish nurlariday qo'yilgim kelmoqdadir". 10. "Duniyo, sening ko'z olgunchi zar, konlaring ko'p, Zarmi, zo'rmi, dimoqlari osmonlaring ko'p, Oh, sening ham uyqudagi mehmonlaring ko'p, Biz ketganda barchani uyg'otib ketamiz". "... ismli qo'llarimiz" she'ridan. 11. "Nonni orzu bilan ivitolsaydik" misrasi mavjud "... non" she'ri. 12. 1976-yil nashr etilgan "... tog'larim" she'ri to'plami. 13. "Ko'rsatmoq bo'libman chitim, zarimni, Shamol silkitadi pardalarimni. Yutqazdim-ku, barcha kartalarimni, ... shodmen, goho yutayotganday". "... ?!" she'ridan. 15. Ona (shevada). 16. "Muqaddas ayol" she'ri to'plamiga kiritilgan sevgi, muhabbat, oshiqlik haqidagi she'r. 17. " — Aytin, ... , ochilasiz gul bilan qachon, Nima sizni talpintirar azaldan-azal? "... bilan suhat" she'ridan. 18. Qarama-qarshi, zid. 19. "Muqaddas ..." she'ri to'plami, 1987-yil nashr qilingan. 21. "Ko'p narsalar kelar esga, ... uchqunlab turganda, Ko'hna dunyo yoshdir ko'zga, ... uchqunlab turganda. G'amlar toshi yuragindan ko'cha boshlar birma-bir, Sen o'zgasan, hasrat o'zga, ... uchqunlab turganda". 22. "Dunyo bir kam. Qaddi shamshod yetmaydi, Kam-kam yetadi-yu, bot-bot yetmaydi, Yaxshiki kelmaymiz. Qayta kelsak ... Bizga maydon yetmas, yo ot yetmaydi". 23. Yaltirash, tovlanish.



ma Xudoyberdiyevaning Armaniston safari chog'ida ulkan ko'l haqida yozgan she'ri — "... qoshida". 32. Kuz haqidagi "Kuzning... i" she'ri. 33. G'urur, mag'rurlik, takabburlik. 34. Mum, chiroq. 35. Sirt, sath. 36. Obi-hayot. 39. Shoiraning "Chaman" she'rlar to'plamidan

o'rin olgan "... uchiramiz" she'ri. 41. Onaizori Sharofat Xonnazar qizi xotirasiga bag'ishlangan ballada. **Soat mili yo'nalishiga qarshi:** 2. 1974-yil nashr etilgan she'ri to'plami. 4. Shoiravallud topgan joy. 5. Chuqurlik. 6. "...jon, azizim, meni kechiring, Bergan sutingizni oqlayman halol". 7. To'ng'ich nabirasi Mirzo Anvarga bag'ishlangan she'r — "... qoshida". 8. Shoiraning 1993-yil nashr etilgan "... o'ti" nomli she'ri to'plami. 9. Hayot, kuch-quvvat. 10. "Endigi oshiq ... chamalar imkon, Qiyinroqmi, yo'ldan qaytadi darrov". "... kunlar g'aroyib" she'ridan. 14. 1976-yil 13-mayda Moskvada yozilgan she'r. 15. Yillar hisobining boshlanish vaqti. 16. "... xato, so'ng kelar hijron, o'lim tig', Bevaqt bebaxt qolar ne begunoh jon. Balki bu dunyoda ulug'dan-ulug' O'zin ... xatodan tiyolgan inson". "... xato" she'ridan. 18. Ichki qal'a. 19. Fahm-idrok, zehn. 20. Shoiratrima qilgan Silva Kaputikyan she'ri. 21. Urush qatnashchisi Temurga bag'ishlangan she'r. 22. Kamtarlik, adab. 23. Kuchli qayg'u, shikast. 24. Hayot, yosh. 26. "Oq olmalar" she'ri to'plamidan o'rin olgan sog'inchlari bayon etilgan misra. 28. Aql, idrok. 29. Ko'z yoshi. 30. Talonchilik, buz'unchilik haqidagi she'r. "... uy". 33. Ruxsat, ijozat. 34. Shaxmat donasi. 35. Vatanga baxshida she'r — "... haqida o'ylar". 36. Til birligi. 37. Sharq she'riyatidagi adabiy janrlardan biri. 38. "... ish pandini o'qib, Oqil bo'lmoq bu hammaga xos, Ayriqliq — alama yo'liqib, Ahil bo'lmoq — bu hammaga xos". 40. Shoiraning umr yo'ldoshiga bag'ishlangan she'ri. 42. "Borim ketdi. Ketsa undan nariga, Osimlayman Yassaviyning bariga, Sado kelar, Tangrim, ko'nglim qa'ridan, Endi sinmas Turkiy kalom olurman". "... yursam" she'ridan.

Tuzuvchi: Shaykat HIDOYATOV.

RAMAZON TUHFASI

HADISLAR

Payg'ambarimiz sollallohu alayhi vasallam: "Alloh taolo "Odam bolasining hamma amali o'zi uchun, faqat ro'za Men uchundur va uning mukofotini Men — O'zim berurman", dedi. Ro'za saqlovchidir. Qachon qaysi biringiz ro'zador bo'lsa, fahshdan gapirmasin va baqir-chaqir qilmasin. Agar birortasi u bilan so'kishmoqchi bo'lsa, "Men ro'zador odamman", desin. Muhammadning joni qo'lida bo'lgan Zot ila qasamki, albatta, ro'zadorming og'zining hidi Allohning nazdidan mushkning hididan xushbo'yroqdir. Ro'zadorga ikki xursandlik bordir. Ular ila suyungay", dedilar.

Buxoriy, Muslim, Abu Dovud, Termiziy va Nasaiy rivoyat qilganlar.

Nabi sollallohu alayhi vasallam: "Kim ramazon ro'zasini imon keltirgan va savob umid qilgan holda tutsa hamda kechalari qoim bo'lsa, uning oldin o'tgan gunohlari kechiriladi".

Buxoriy va Muslim rivoyati.

Nabi sollallohu alayhi vasallam: "Kim yolg'on gapirishni va unga amal qilishni qo'ymasa, uning taomi va sharobini tark qilishiga Allohning ehtiyoji yo'q", dedilar.

Buxoriy, Abu Dovud, Termiziy va Nasaiy rivoyat qilganlar.

Rasuli Akram sollallohu alayhi vasallam marhamat qilganlar: "Kimki Qadr kechasida imon-e'tiqod, qanoat va ishonch bilan tursa, oldingi gunohlari kechiriladi, kimki Ramazon ro'zasini imon-e'tiqod va ishonch bilan tutsa, oldingi qilgan gunohlari kechiriladi".

Buxoriy rivoyati.

O'QING, BU QIZIQ!

Tarkibi o'xshash, ammo nomlanishi har xil bo'lgan dori vositalari juda ko'p. Aslyatdan ko'chirib olinganlari jeneriklar, deb ataladi. 1999-yilda ular Yevropa mamlakatlariida nihoyatda ommalashdi. Hozir esa butun dunyoda muomalada. Jenerikdagi faol modda original preparatnikidan farqlanmaydi. Narxi ikki baravargacha arzon. Biroq yodda tutish kerakki, jene-

BRAND or GENERICS



riklarni ishlab chiqarishda muayyan modda qo'shilishi, dorining rangi yoki ta'mi o'zgartirilishi mumkin. Natijada nojo'ya ta'sirlar ehtimoli yuzaga keladi.

MUTAXASSIS OGOH ETADI

BILIBGINA EMAS, RIOYA QILIB YASHAYLIK

Bahor faslida aholi turar joylari obodonlashtirilib, ko'chalar, dacha va ochiq maydonlarda maishiy chiqindilar, o't-o'lan hamda shox-shabbalar uyib qo'yilmoqda. Ayrimlar ularni noqonuniy tarzda yo'qotish payiga tushadi. Masalan, yondirishi mumkin. O't olgan buyumlar, shu jumladan, qurigan shox va barglardan chiqayotgan zaharli tutun atrof-muhitga ziyon yetkazishi hammaga ma'lum. U o'pka orqali qonga so'rilib, odamlar sog'lig'iga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Yonish paytida hosil bo'ladigan qurum va tutun nafaqat inson organizmi, balki bizni o'rab turgan o'simlik va hayvonot dunyosi, shuningdek, yerning unumdor qatlami uchun ham zararlidir. Chiqindilarning turar joy binolari, maktab, bog'cha va boshqa ijtimoiy soha obyektlari

lari atrofida yondirilishi, ayniqsa, xavfli. Bunday holat katta yong'inlarni ham keltirib chiqarishi mumkin. Shunga qaramay, ba'zi kimsalar oqibatini o'ylamay ish tutmoqda. Yong'in xavfsizligi qoidalarini bilish va ularga rioya qilish barchaning avvalo, o'ziga foyda. Fuqarolar shu oddiy haqiqatni tushunib yetmaguncha yong'inlar hamda bu ofatdan jabrlanuvchi insonlar soni kamaymaydi. Keksalar "O't balosidan, suv balosidan asra", deb duo qiladi. Lekin o'zimiz ham hushyor va ehtiyotkor bo'lmoq'imiz dar-kor. Shunda hayotimiz hamisha farovon bo'lgay.

R.MAHKAMOV,
SH.XALILOV,
yong'in xavfsizligi bo'limi
inspektorlari

OLMALIQ KON-METALLURGIYA KOMBINATI AKSIYADORLIK JAMIYATI MEHNAT JAMOASI

Barcha vatandoshlarimizni va turdosh korxonalar xodimlarini O'zbekiston konchilik va metallurgiya sanoati xodimlari kuni bilan samimiy muborakbod etadi!

Yurtimizda sanoat va iqtisodiyotni rivojlantirish, xalq farovonligini ta'minlash yo'lidagi mehnatlaringizda muvaffaqiyat, xonadoningizga fayz-baraka tilaydi!



MUASSIS
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuot va
axborot agentligida 2017-yil
2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta
no'yxatdan o'tgan.


BOSH MUHARRIR
Faxriddin KARIMOV
TAHRIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Begmat Ochilov, Madamin Safarov, Azim Mirzajonov,
Mehrinoz Abbosova, Ra'no Shodiyeva, Shodmonqul Salomov,
Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"),
Javlon Vafoyev — mas'ul kotib ("Yoshlar ovozi"),
Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Navbatchi
Boboravshan
G'UZIDDINOV

Dizayner
Xurshid
ABDULLAYEV

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (71) 150-22-74,
(71) 233-95-97,
(71) 233-79-69 (faks)



"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi.

Hajmi — 2 bosma tabaq.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indeks: 203, 3203
Bahosi kelishgan narxda.

Buyurtma G-513
Adadi — 21170

Bosilishga topshirish vaqti — 21.00
Topshirildi — 23.45
O'ZA yakuni — 23.10